

Болалар кўзидаги шохпарда катарактасини олиб ташлаш ва жаррохлик ўтказиш бўйича хайрия акцияси

2019 йил июл ойининг 22-26 кунлари “POSCO INTERNATIONAL” корпорацияси, “HEART TO HEART” Корея халқаро ташкилоти, ва “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” нодавлат ташкилоти томонидан хайрия акцияси ўтказилди.



Ўтказилиш жойи: Фарғона вилоят кўп тармоқли болалар шифохонаси.

Муддати: 22-26.07.2019 йил (Фарғона)

Лойиха мазмуни:

- ✚ Фарғона вилоятида яшовчи кўз катаракта ташхиси билан шифохонанинг доимий рўйхатига қўйилган болалар учун кўз касалликларини диагностика қилиш ва бепул офталмологик жаррохлик амалиётини ўтказиш;
- ✚ маҳаллий шифокорлар учун болалардаги катарактани жаррохлик йўли билан даволаш бўйича ўқув мастер класслари ўтказиш.




22.07.2019 йил Комбоджа давлатидан 3 нафар шифокор ҳамда Корея давлатидан 5 нафар делегация аъзолари, шунингдек, 1 нафар “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” нодавлат ташкилоти ходимлари билан биргаликда етиб келдилар.



Жаррохлик жараёнида

Хайрия акциясини ўтказиш, диагностика ва жаррохлик амалиётларини амалга ошириш учун шифокорлар жамоаси энг замонавий медицина жихозларини ва дори дармонларни олиб келишди.

4 кун давом этган хайрия акциясида, касалхонада “Daewoo Textile” Режалаштириш бўлими ходимлари ва бошқа бўлимлардан ҳам бир нечта кўнгиллилар акцияда иштирок этишди.



Сўнгги жаррохликдан лавха

“Daewoo Textile” Корхонаси президенти жаноб Чо Сынг Хён ҳамда Маъмурий ва Молиявий директор жаноб Сон Вон Кёнг бутун акция жараёнини назорат қилиб, фаол иштирок этишди.

ЎТКАЗИЛГАН ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ НАТИЖАЛАРИ

Акциянинг 1 кун умумий текширувда 53 нафар беморлар текширувдан ўтказилди. Катарактани олиб ташлаш ҳамда кўз гавхарини алмаштириш бўйича 26 та жаррохлик амалиёти ўтказилди. Шунингдек, 2 кун давомида маҳаллий кўз шифокорларига болалар катарактаси ва уни даволаш бўйича дарслар ташкил этилди.

Хайрия акцияни охири кунда, яқунлар бўйича умумий йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда акцияда иштирок этган тарафлар кўрсатилган ёрдам ва кўмак учун “Heart to Heart” ташкилоти томонидан Ташаккурномалар ҳамда маҳаллий шифокорларга ўқув мастер дарсларда фаол қатнашганликлари учун сертификатлар тақдим этилди.



Хайрия акциясининг ниҳояси

Жаррохлик амалиётлари сўнгида ёш беморларнинг ота-оналари ва яқинлари ушбу хайрия сабабли кўз нурларини қайтарилганлиги учун ташриф буюрган шифокорлар жамоасига ҳамда кўнгилли сифатида қатнашган ишчи ходимларга миннатдорчилик изхор этишди.